



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

## ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 8 СОН

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 8

## LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 8



ТОШКЕНТ-2020

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**"Ўтмишга назар" илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Кебадзе Мадонна**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Бурдиашвили Майя**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Кожакеева Ляззат Темировна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети, Қозоғистон Республикаси*

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети*

**Зияева Доно Хамидовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Аширов Адхам Азимбаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Агзамова Гулчехра Азизовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**

*тарих фанлари доктори,  
Тошкент кимё - технология институти*

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**

*тарих фанлари номзоди, доцент. Ўзбекистон  
давлат жаҳон тиллари университети*

**Рахмонкулова Зумрад Бойхураевна**

*Тарих фанлари номзоди, доцент  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Махкамов Қодиржон Одилжонович**

*PhD, катта ўқитувчи  
Наманган давлат университети*

**Гофоров Шокир Сафарович**

*тарих фанлари доктори, профессор  
Самарқанд давлат тиббиёт институти*

**Эргашева Юлдуз Алимовна**

*Тарих фанлари доктори, профессор  
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

**Теймураз Ахалмосулишвили**

*профессор, Телавский государственный  
университет, Грузия*

**Халикова Рахбар Эргашевна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети*

**Ишанходжаева Замира Райимовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Кобзева Ольга Петровна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Одилов Абдор Анварович**

*тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Саипова Камола Давляталиевна**

*тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**

*тарих фанлари номзоди, профессор,  
Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия  
академияси, Қозоғистон Республикаси*

**Толипов Файзулла Сандович**

*тарих фанлари номзоди, доцент  
Тошкент давлат техника университети*

**Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич**

*PhD, доцент  
Наманган давлат университети*

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

<b>1. Зухра Арипова</b> МИСРДА МАМЛУКЛАР ДАВРИ (1250-1517) АРХИТЕКТУРАСИНИНГ ҲОМИЙЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	4
<b>2. Шавкат Амонтурдиев</b> МАРКАЗИЙ ОСИЁ КЎЧМАНЧИ ХАЛҚЛАРИНИНГ СИЁСИЙ БИРЛАШИШИДА ТАБИЙЙ ОМИЛЛАР.....	13
<b>3. Махбуба Баратова</b> КИБЕРМАКОН ШАРОИТА ДИНИЙ ДУНЁҚАРАШ.....	20
<b>4. Шухрат Бозоров</b> АҲМАД ДОНИШ МАЪРИФАТПАРВАР ВА ЖАМОАТ АРБОБИ.....	29
<b>5. Шавкатжон Жумаханов, Абдуқодир Тошпўлатов</b> МАРКАЗИЙ ОСИЁДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН МИЛЛИЙ-ҲУДУДИЙ ЧЕГАРАЛАНИШНИНГ ТАРИХИЙ-ГЕОГРАФИК ТАҲЛИЛИ.....	35
<b>6. Гулчехра Раҳимова</b> ЎЗБЕКИСТОНДА 1940-1980 ЙИЛЛАРДА САНОАТЛАШТИРИШ СИЁСАТИНИНГ ОҚИБАТЛАРИ.....	51
<b>7. Алексей Грицина, Комил Раҳимов, Омон Мамиров</b> ЎРТА АСР ХОВОС ОШХОНА ИДИШЛАРИГА ТАВСИФ.....	59
<b>8. Шохжаҳон Рашидов</b> АМИН НИЁЗОВ СИЁСИЙ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР.....	65
<b>9. Озодбек Раджабов, Ҳамза Қаландаров</b> XIX АСР БРИТАНИЯ ТАШҚИ СИЁСАТИДА “КАТТА ЎЙИН” МАСАЛАСИ ВА УНИНГ ИНГЛИЗ ТАРИХШУНОСЛИГИДА ЁРИТИЛИШИ.....	72
<b>10. Равшан Сиддиқов</b> ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ (1991-2016 ЙИЛЛАР).....	78
<b>11. Сарвар Қулдашев</b> МАҲМУД КОШҒАРИЙНИНГ “ДЕВОНИ ЛУҒОТИ ТУРК” АСАРИДАГИ УНВОН ВА ЛАВОЗИМЛАР ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР.....	91
<b>12. Sadoqat Xo'ja yorova</b> XVIII-XIX ASRLARDAGI ROSSIYA IMPERIYASI VA QO'QON XONLIGI DIPLOMATIC ALOQALARINING TARIXSHUNOSLIKDA YORITILISHI.....	98

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

**Шавкатжон Жумаханов,**

Наманган давлат университети доценти,

География фанлари номзоди

E-mail: shavkat\_72@mail.ru

**Абдуқодир Тошпўлатов,**

Наманган давлат университети


География йўналиши

3- босқич талабаси

E-mail: abduqodir98.98@mail.ru

## МАРКАЗИЙ ОСИЁДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН МИЛЛИЙ-ХУДУДИЙ ЧЕГАРАЛАНИШНИНГ ТАРИХИЙ-ГЕОГРАФИК ТАҲЛИЛИ

**For citation:** Shavkatjon Jumakhanov, Abdukodir Toshpulatov, HISTORICAL-GEOGRAPHICAL ANALYSIS OF NATIONAL-TERRITORIAL DELIMITATION IN CENTRAL ASIA. 2020, vol. 8, issue 3, pp.35-50

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-8-5>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада XX асрнинг 20 – 30- йилларида Марказий Осиёда амалга оширилган миллий-худудий чегараланиш тарихий-географик жиҳатдан таҳлил қилинган ҳамда минтақани “миллат – давлат”ларга бўлишнинг географик ва геосиёсий оқибатлари ёритиб берилган. Мазкур жараёни таҳлил қилишда миллий-худудий чегараланишни амалга оширишнинг салбий ва ижобий жиҳатлари тавсифланиб, улар тўғрисида муҳолазалар келтирилган. Шунингдек, мустақил демократик Марказий Осиё мамлакатларининг шаклланиши, улардаги геосиёсий вазият ҳамда иқтисодий интеграция жараёнларининг ушбу давр билан боғлиқ жиҳатлари келтириб ўтилган.

**Калит сўзлар:** Миллий-худудий чегараланиш, умумий хўжалик, бўлиб ташлаш сиёсати, “миллат – давлат”, делимитация, демаркация, анклав, эксклав, қўшничилик алоқалари, геосиёсий муносабатлар, геостратегик минтақа.

**Шавкатжон Жумаханов,**

Доцент Наманганского государственного университета,

Кандидат географических наук

E-mail: shavkat\_72@mail.ru

**Абдуқодир Тошпўлатов,**

Наманганский государственный университет,

студент 3 курса географического направления

E-mail: abduqodir98.98@mail.ru

## ИСТОРИКО-ГЕОГРАФИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ НАЦИОНАЛЬНО-ТЕРРИТОРИАЛЬНОГО ДЕЛИМИТАЦИИ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется историко-географическое разграничение национально-территориальных границ в Центральной Азии в 20-30-е гг. XX в., а также географические и геополитические последствия разделения региона на «национальные государства». Анализ этого процесса описывает негативные и позитивные аспекты реализации национально-территориальной делимитации и обеспечивает обратную связь по ним. Также упоминается формирование независимых демократических стран Центральной Азии, их геополитическое положение и процессы экономической интеграции, связанные с этим периодом.

**Ключевые слова.** Национально-территориальное разграничение, общая экономика, политика разделения, «национальное государство», разграничение, демаркация, анклав, эксклав, соседские отношения, геополитические отношения, геостратегический регион.

**Shavkatjon Jumakhanov,**

Associate Professor of Namangan State University

Candidate of Geographical Sciences

E-mail: shavkat\_72@mail.ru

**Abdukodir Toshpulatov,**

Namangan State University,

Department of Geography

3<sup>rd</sup> course of student

E-mail: abduqodir98.98@mail.ru

## HISTORICAL-GEOGRAPHICAL ANALYSIS OF NATIONAL-TERRITORIAL DELIMITATION IN CENTRAL ASIA

### ABSTRACT

This article analyzes the historical and geographical demarcation of national and territorial boundaries in Central Asia in the 20-30s of the XX century and the geographical and geopolitical consequences of the division of the region into "nation-states". The analysis of this process describes the negative and positive aspects of the implementation of national-territorial delimitation, and provides feedback on them. The formation of independent democratic Central Asian countries, their geopolitical situation and economic integration processes related to this period are also mentioned.

**Index Terms:** National-territorial delimitation, common economy, division policy, "nation-state", delimitation, demarcation, enclave, exclave, neighborhood relations, geopolitical relations, geostrategic region.

### 1. Долзарблиги:


Марказий Осиё минтақаси Евросиёнинг марказий қисмида жойлашган ўзига хос ҳудуд бўлиб, табиий ва инсон ресурсларига ғоят бой, айниқса, ядровий қуролга эга бўлган Россия – Хитой – Эрон мамлакатлари ўртасида жойлашган геостратегик аҳамиятга эга субрегион ҳисобланади.

Шу билан биргаликда, халқаро терроризм, экстремизм ва нарқобизнес таҳдиди мавжуд, субрегион бевосита беқарорликнинг йирик ўчоғи яқинида жойлашган. Бу вазият минтақадаги мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорлик ва яхлитликда фаолият олиб боришини тақозо этади [17, - Б. 515]. Ҳозирги даврда минтақа мамлакатлари иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан бир – бири билан ўзаро узвий боғлиқ ҳисобланади. Чунки, унинг ҳудудий жойлашуви ҳамда географик жиҳатлари яхлит бир маконни шакллантиришни талаб қилади. Айнан шу жиҳатдан, минг йиллар давомида мазкур ҳудуд ягона комплекс сифатида шаклланган бўлса-да, яқин ўтмишдаги геосиёсий омиллар натижасида “миллат – давлат”ларга бўлиниб кетган, янада аниғи, бўлиб ташланган эди.

**2. Методлар:** Мазкур мақолани ёритишда

худудийлик, тарихийлик, комплекслилик, холислик каби тамойиллар ҳамда картографик, тарихий-географик таҳлил, қиёсий таҳлил, муаммога цивилизацион ёндашув сингари усулларидан фойдаланилган. Ушбу мавзуга алоқадор материалларнинг асосий қисми хронологик жиҳатдан Собиқ Иттифок даврига тўғри келади. Шунингдек, янги давр Ғарб олимлари ва минтақа мутахассисларининг тадқиқот ишларидан унумли фойдаланилган. 3.Тадқиқот натижалари: Марказий Осиё минтақаси қадим-қадимдан цивилизация марказларидан бири ҳисобланган. Жумладан, Қадимги Хоразм, Афросиёб, Бактрия, Кушон империяси, Турк хоқонлиги, Қорахонийлар давлати ва Чингизхон империяси каби ўз даврининг ривожланган мамлакатларининг сиёсий куч марказларидан бири бўлган бўлса, XIV асрнинг иккинчи ярмидан Амир Темур томонидан марказлашган улкан салтанатга айлантирилган. У ўз вақтида Осиё, Африка ва Европа худудининг бир қисмини қамраб олганди.

Бирок, XVI аср бошига келиб минтақада тахт учун ўзаро низоларнинг кучайиши, ишлаб чиқариш муносабатларининг, асосан, маҳаллий истеъмол учун йўналтирилиши, оддий аҳолига нисбатан бек ва амирларнинг зуғумлари натижасида аҳолидаги мамлакат тараққиёти учун дахлдорлик ҳисси пасайиб, марказлашган давлат анчагина кучсизланиб қолди. Бу ҳолат Дашти Қипчоқ қабилаларининг Муҳаммад Шайбонийхон бошчилигида ўлкани босиб олиши учун “қулай вазият”ни вужудга келтирди. Жумладан, 1501 йил Самарқанд, 1503 йил Тошкент, 1504 йил Фарғона, 1505 йил Хоразм ҳамда 1507 йилда Ҳирот забт этилиши оқибатида, бир пайтлар бутун дунёни ларзага солган Темурийлар салтанати ҳам барҳам топиб, Шайбонийлар давлати шаклланди [18].



1-расм. XIX аср охирида Марказий Осиё сиёсий харитаси  
 Манба: <http://www.hrono.ru/proekty/ostu/asia1900.html> [33]

Кейинчалик эса, унинг ўрнида битта амирлик (Бухоро амирлиги) ва иккита хонлик (Хива ва Қўқон хонликлари) таркиб топди (1-расм). Ушбу давлатлар турли-туман миллий

популяциялар (яъни, ўзбек, козоқ, қирғиз, туркман, тожик, қорақалпоқ), этник гуруҳлар ва қабилалар (сарт, қипчоқ, манғит, қурама), миллий озчиликлар (Бухоро яҳудийлари, араб, форс ва лўли сингари этник илдири бошқа ҳудудга оид халқлар) дан ташкил топган [20] бўлишига қарамай, барча этносларни умумий хўжалик тизими ўзаро бирлаштириб турган эди. Умуман олганда, минтақада истиқомат қилаётган маҳаллий аҳоли маданий жиҳатдан бир-бирига яқин ҳамда тарихан таркиб топган умумий хусусиятларга эга ҳисобланади. Минтақада одам палеолит даврида пайдо бўлиб, мезолит ва неолит давридан бошлаб бутун регионга тарқалган [4]. Шунингдек, уч минг йиллик тарихга эга зардуштийларнинг муқаддас китоби бўлмиш “Авесто” орқали ҳудудда сўғдий, боҳтарий, хоразмий, марғиш, сак қабилалари тубжой аҳоли сифатида яшаганлигини билиш мумкин [3]. Тарихий даврлар мобайнида Турон ҳудудини ўзига макон тутган мазкур аҳоли икки лингвистик гуруҳ (туркий, форс-тожик) га мансуб бўлса-да, ягона ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаёт унсурларига эга бўлган. Афсуски, минтақада этник ва хўжалик нуқтаи назаридан ривожланган ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларини шакллантириш имконияти мавжуд бўлишига қарамасдан, хонликлар ўртасидаги ўзаро адоват, бир-бирини кўра олмаслик, монархларнинг мамлакат ривожланишидан кўра ўз манфаатини устун қўйиши ва, бунинг оқибатида, тараққиётдан узилиб қолиш натижасида ривожланган давлатлар томонидан ҳудудни эгаллаш учун яхшигина шароит вужудга келди ҳамда бундан “унумли” фойдаланиб, XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия империяси Марказий Осиёни босиб олди. XX асрнинг бошларига қадар минтақа Чор Россиясининг вассали сифатида, мустамлака ҳолатида бўлган. 1917 йил империядаги октябрь тўнтарилиши ва ҳукумат тепасига советларнинг келиши Марказий Осиёга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Туркистондаги маҳаллий аҳолининг миллий-озодлик ҳаракатлари кучайган ушбу даврда ўлка “Қизил армия” томонидан қайта босиб олинди, социализм ва коммунизм ғоялари асосида Шарқдаги РСФСР бошчилигидаги совет минтақаси сифатида шакллантирилади бошланди. Бунда маҳаллий аҳолига, асли экстремизм ва терроризмга асосланган ленинча социалистик идеология агитация-пропагандаси воситасида барча миллатларнинг ўзининг тақдирини ўзи белгилаши, аҳоли тенглигини таъминлаш таъкидланди [24, -Б. 246], бироқ амалда РСФСРнинг теллурукратик (амалда, ўзгалар ерини сездирмай қўшиб олиш) ҳокимиятини мустаҳкамлаш назарда тутилган эди. Иккинчи томондан олиб қараганда, Марказий Осиё ҳудудида янги автоном совет республикаларини шакллантириб олиб, социалистик иттифоқ ҳудудини ташкил этишнинг тағ замирида жанубдан кириб келиши мумкин бўлган геосиёсий таҳдидларга қарши ўзига хос тўсиқ барпо этиш кўзда тутилган эди. Яъни Англиянинг “Ҳиндистон – Афғонистон – Туркистон” йўналишидаги мустамлакачилик модели геосиёсий жиҳатдан РСФСР учун ниҳоятда катта таҳдид эди [16]. Зеро, жанубдан Ҳиндистон субконтинентда ўзининг устуворлигини ўрнатган ва тизимли равишда шимолга қараб силжиб бораётган Англия ҳам XIX асрнинг 70- йилларида Марказий Осиёни ўзига қўшиб олиш, янги бозорларга, хомашё манбаларига, қолаверса, стратегик жиҳатдан қулайроқ ҳудудларга эга бўлиш учун минтақани ўз таъсирига олиш ва ўз ҳукмронлигини ўрнатишга бетиним ҳаракат қилган [32]. Бироқ, Марказий Осиёда икки давлат таъсир доираларини аниқлаштиришга қаратилган 1873 йилда имзоланган Россия – Англия битими орқалигина минтақани Россия империяси томонидан бошқарилиши белгилаб олинган эди [19, -Б. 71]. Айнан мана шу жиҳатдан, социалистик блокни шакллантириш бу сингари геосиёсий вазиятни назорат қилишда устувор аҳамият касб этиши XX асрнинг 20 – 30- йилларидаги миллий– ҳудудий чегараланиш жараёнида инобатга олинган эди.

Мазкур фаолиятни амалга ошириш доирасида Марказий Осиё масалалари билан шуғулланувчи Турккомиссия ташкилоти тузилиб, 1920 йил ушбу комиссия раиси Ян Эрнестович Рудзутак ўз тезисларида Туркистон АССРни миллий белгиларига қараб автоном республикаларга бўлиш таклифини олға сурди. Миллий-худудий чегараланишга оид тезислар шу йилнинг июнь ойида Россия Коммунистик Партияси Марказий Қўмитасининг “Партиянинг Туркистондаги вазифалари ҳақида” деб номланган қарори лойиҳасига киритилди. В. И. Ленин 1920 йилнинг 13 июнида Турккомиссия қарорининг лойиҳасини шахсан кўриб чиққан ва, ўша пайтдаёқ, Туркистонни “Ўзбекия”, “Қирғизия”, “Туркмения”

хамда бошқа этник гуруҳларга бўлиб, парчалаб ташлашни, уларнинг харитасини тузиш зарурлигини кўрсатган эди [7, -Б. 397].

Бирок, Туркистон азал-азалдан маҳаллий халқларнинг ягона маскани ва умумий ватани бўлиб келган. Туркистон, Бухоро, Хоразм республикалари туб аҳолиси асрлар давомида урф-одатлари, анъаналари турмуш тарзи, диний эътиқодлари жиҳатидан бир-бирига жуда яқин бўлган ушбу минтақа ягона ҳудуд, диний эътиқод, ўз хўжалиги ва маданиятининг муштараклиги билан ажралиб турган ҳамда улар бу ерни ўзларининг ягона юртлари, асл Ватани деб билган [8]. Ана шу жиҳатдан, Т.Рисқулов, А.Раҳимбоев, С.Турсунхўжаев, У.Эшонхўжаев, Ё.Исақулов, Ҳ.Ниёзий, И.Хидиралиев, Р.Иноғомов, С.Қосимов, Б.Дадабоев, Ф.Хўжаев сингари Марказий Осиёдаги жадиждлар ва илм-маърифат арбоблари бу ҳудудни миллий-худудий жиҳатдан ажратилишига ўз салбий муносабатларини билдирган эдилар [24, -Б. 250]. Хусусан, 1920 йилнинг январида бўлган Туркистон Компартиясининг V ўлка конференциясида Туркистон АССР МИҚ раиси Турор Рисқулов сўзга чиқиб, муштарак Туркистон ғоясини илгари сурди ҳамда минтақанинг миллий-этник жиҳатдан ажратилиши натижасида ижтимоий ва хўжаликка оид муаммолар вужудга келиши мумкинлигини таъкидлади. Бирок, марказ томонидан ўлкадаги маданий ҳаётни бир тизимга солиш, турли-туман тарқоқ уруғларни ўзаро бирлаштириш сингари жиҳатларини рўқач қилиб, ўлка маҳаллий вакилининг таклифлари мутлақо инобатга олинмаган эди.


Миллий чегараланиш лойиҳаси ишлаб чиқиладиган пайтда Марказий Осиёда Туркистон Автоном Совет Республикаси, Бухоро Халқ Совет Республикаси ва Хоразм Халқ Совет Республикаси мавжуд эди (2- расм). Лекин, ҳақиқатдан, ҳам уларнинг ҳар бири этник нуқтаи назардан ниҳоятда хилма-хил бўлган ҳамда иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан марказлашган тизимли иқтисодиётга эга бўлмаган.



**2-расм.** Совет Марказий Осиёси (1922 йил)  
**Манба:** [https://ru.wikipedia.org/wiki/Национально-территориальное\\_размежевание\\_в\\_СССР](https://ru.wikipedia.org/wiki/Национально-территориальное_размежевание_в_СССР) [27]

1924 йилнинг 15 июлида Марказий Осиё оюроси миллий чегараланиш лойиҳасини тайёрлаш ва 1924 йил октябрь ойида уни ўтказиш зарур, деган қатъий хулосага келди. Шу мақсадда, махсус марказий-худудий комиссия тузилиб, жойларда ташвиқот-тарғибот ишлари

хам кучайтирилди [22]. Мазкур даврда худудлар бўйича аҳолининг миллий таркиби аниқланди. Худудий комиссия, миллий-худудий қайта қуриш бўйича бошқа комиссиялар билан бир қаторда, этник номлар ва гуруҳлар худуднинг маҳаллий номланиши, маҳаллий аҳоли ўртасидаги иқтисодий ҳаёт, тил ва маданият, ва ниҳоят, миллий концентрациянинг умумий тенденциясини ҳам ҳисобга олиш керак, деган қарорга келди.




Рўйхатга олиш жараёнида аҳолининг ўз этник келиб чиқишининг (этногенези) каталоги тузиб чиқилди. Айниқса, икки улуғ дарё оралиғидаги аҳолининг катта қисми ўзини “ўзбек” деб атади. Жумладан, худудлар бўйича мавжуд аҳолининг Жиззах уезида 75,0 %, Хоразмда 79,5 %, Бухорода 63,9 фоизи ўзбек этноними билан рўйхатдан ўтган. Чирчиқ-Оҳангарон, Фарғона, Қашқадарё ва Сурхондарё аҳолисининг асосий қисми ҳам ўз уруғларининг (курама, жалоир, кенагас, минг, бойсун ва бош.) номларидан кўра ўзбеклар дейишни афзал билганди [20]. Бошқа худудларда ҳам миллатларнинг худудий таркиби асосида миллий-худудий делимитация ишлари амалга оширилди (3-расм).

Ниҳоят, 1924 йилнинг 27 октябрида бўлиб ўтган СССР БМИҚ II сессияси Туркистонда миллий-худудий чегараланишни ўтказиш тадбирларини тўла-тўқис маъқуллади [36]. Натижада, қадимдан умумий ер-сув муносабатларига асосланган комплекс хўжалик турли худудий бирликларга парчаланиб кетди. Делимитация жараёни тор ёндашув асосида амалга оширилиб, минтақадаги халқларнинг тарихий, географик, ижтимоий-иқтисодий хусусиятларига жуда кам эътибор берилди. Бу худуддаги халқларнинг турли-туман миллатларга мансублиги, тиллари орасидаги фарқларга қарамадан маданий-хўжалик фаолиятининг ягона бошқариш доирасида сиёсий жихатдан умумлашганлиги бутунлай инкор этилганди. Натижада, келажакда бўлажак жуда катта чегара муаммолари учун йўл очилди. Чунки, минтақада ўтказилган давлат чегараланишининг туб моҳияти фақатгина миллий хусусиятлар ҳамда этник таркиб қабиларга қурилган эди, оқибатда эса Марказий Осиё худудида бир неча “миллат – давлат”лар вужудга келди (4-расм) [22, -Б. 53].



Ушбу даврда амалга оширилган миллий-худудий чегараланиш Марказий Осиё давлатлари делимитациясининг пойдевори бўлса-да, ҳозирги кундаги чегараланишнинг, айнан, ўзи эмас. Чунончи, Писком водийси, Қизилқумнинг шарқи, Мирзачўл, Қорақалпоғистон АССР каби ҳудудлар миллий-худудий чегараланиш даврида Қозоғистон АССР таркибида бўлган (5-расм), кейинги йилларда амалга оширилган делимитация натижасида улар Ўзбекистон ССР таркибига қўшилган ва ҳоказо. 1924 йил 27 октябрда Сирдарё вилоятининг катта қисми Қозоғистон АССРга берилди. Қолган кичик қисми (Тошкент) Ўзбекистон ССР таркибига кирди. Миллий-худудий делимитация жараёнида ўзбек – козоқ муносабатларида энг асосий эътибор Чирчиқ бўйидаги гавҳар бўлмиш – Тошкент шаҳрига қаратилди, иккала давлат ҳам уни ўзига талаб қила бошлади. Шунда И.Сталин буйруғи билан Тошкент, Чиноз – Ўзбекистон ССРга; Шимкент, Туркистон – Қозоғистон ССРга худудий жиҳатдан расмийлаштириб берилди [39] ва Тошкентнинг яна худудий жиҳатдан низо маркази бўлишининг олдини олиш, бартараф этиш мақсадида 1930 йил Ўзбекистон ССРнинг пойтахти қадим Самарқанддан кўхна Тошкент шаҳрига кўчирилган эди.



5-расм. Ўзбекистон ССР (1929 йилгача)

**Манба:**

[https://www.wikiwand.com/en/Tajikistan-Uzbekistan\\_border](https://www.wikiwand.com/en/Tajikistan-Uzbekistan_border) [41]

Марказий Осиёдаги баҳсли чегара муаммоларининг кўпчилиги ўзбек, қирғиз ва тожик миллий-худудий делимитацияси билан боғлиқ. Жумладан, Тожикистон (олдин Шарқий Бухоро деб аталган) Ўзбекистонга автономия сифатида киритилган ва, кейинчалик, 1929 йилда алоҳида иттифоқ республикаси сифатида ажратилган [27].

Марказий Осиёда амалга оширилган миллий-худудий чегараланиш, кўп жиҳатдан, ҳозирги иқтисодий ва ижтимоий, геосиёсий ва геоиқтисодий муаммоларнинг шаклланишига сабаб бўлишига қарамадан, ушбу жараённи бутунлай номақбул иш дея

баҳолаш мақсадга мувофиқ бўлмайди. Зеро, ҳар бир ҳолатга ҳаққоний баҳо бериб, моҳиятни мафкура билан беркитмаслик лозим. Жумладан, Собиқ Иттифоқ даврида яратилган илмий ишларга назар ташланса, миллий-худудий чегараланишнинг фақат ижобий тарзда ёритиб берилганига Ҳ.Турсунов, Ш.Мухаммедяров, И.Крыльцов, Г.Сафаров каби олимларнинг

илмий ишларида гувоҳ бўлиш мумкин. Хусусан, бу борада “Пролетар интернационализм байроғи остида ўтказилган миллий– ҳудудий чегараланиш ўзаро миллий ишончсизликнинг ўша вақтдаги қолдиқларини йўқотишга, Марказий Осиёда миллатлараро тинчлик ва Совет ҳокимиятини янада мустаҳкамлашга, кенг меҳнаткашлар оммасини социалистик жамият куришга янада фаол қатнаштиришга, Совет Иттифоқи халқлари дўстлигини мустаҳкамлашга олиб келди” [11, -Б. 106], деган фикрларни келтириш ўринли бўлади.

Албатта, тарихий– маданий жиҳатдан умумий бўлиб келган минтақани этник хусусиятларига биноан бўлиб юбориш ижтимоий ва хўжалик нуқтаи назардан номувофик, дейиш мумкин. Аммо, миллий–ҳудудий чегараланиш ўтмишда қоқоқ бўлган халқларнинг ўз юртларида миллий давлатчиликни ўзларининг миллий турмуш шароитларига мувофик келадиган шаклларда ривожлантириш ва мустаҳкамлашларига, уларнинг ўз ерларида аҳолининг турмушини ва психологиясини билладиган маҳаллий кишилардан тузилган ҳамда она тилида иш юритадиган суд, маъмурият, хўжалик тармоқларини тартибга солиш ҳамда сиёсий жиҳатдан марказлаштиришда катта аҳамиятга эга бўлган [26], деган фикрларда ҳам маълум маънода ҳақиқат мавжуд. Бу билан XX асрнинг 20 – 30- йилларда амалга оширилган делимитация ишларининг натижаси мутлақ ижобий хусусиятларга эга, дейишдан ҳам анча йироқмиз. Шундай бўлишига қарамай, унинг сиёсий–маданий ва иқтисодий жиҳатдан (мавжуд ҳукмрон мафқуранини инobatга олмаган ҳолда) ижобий томонлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- кўп миллатли учта мамлакат ўрнида бир миллатли “миллат – давлат”ларнинг шакллантирилганлиги;
- минтақада энг кўп аҳолига эга бўлган ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман, қорақалпоқ сингари миллатларнинг миллий– ҳудудий жиҳатдан алоҳида– алоҳида концентрациясининг амалга оширилганлиги;
- миллий– ҳудудий чегараланиш асосида тарихан кўчманчи бўлган қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ каби этносларнинг ўтроқлашиб, халқ сифатида шакллантиришга эришилганлиги ва нуфузи ошганлиги;
- кўп сонли аҳоли (нуфус)га эга бўлган ҳар бир миллатларнинг алоҳида ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларига ихтисослашуви натижасида ҳудудий меҳнат тақсимооти ҳамда минтақавий иқтисодий интеграциянинг вужудга келтирилганлиги;
- полиэтник аҳолини “миллат – давлат”ларга тақсимланиши оқибатида миллий ўзликка асосланган жамиятлар шакллантирилганлиги;
- ҳар бир миллатнинг хўжалик юритиш хусусияти асосида ҳудудий ихтисослашувнинг шаклланишига асос қўйилганлиги ва ҳоказо.

Илмий–методологик жиҳатдан миллий–ҳудудий чегараланишнинг юқоридаги сингари хусусиятлари асосида ҳозирги даврда мавжуд бўлган Қозоғистон, Туркменистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ҳамда Тожикистон Республикаларининг таркиб топишига замин яратилган, дейиш мумкин.

Бирок, ўша даврда совет ҳокимияти томонидан амалга оширилган миллий–ҳудудий чегараланиш минтақа аҳолиси манфаатларига эмас, марказдан бошқариш ва мустамлакачилик сиёсатининг амалга оширилишини янада осонлаштириш нуқтаи назаридан ўтказилган. Делимитация жараёнида ҳудуднинг географик ва хўжалик хусусиятлари чегараланишнинг методологик пойдевори сифатида белгиланган бўлишига қарамай, уларга тўлиқ амалга қилинмаган эди, яъни минтақадаги чегараланиш учун асос қилиб олинган икки – миллий–ҳудудий ва иқтисодий принциплар Марказий Осиёда мавжуд шароитга тўла мослаштирилмаган эди [13] (1- жадвал).

1- жадвал

**Марказий Осиёда амалга оширилган миллий– ҳудудий чегараланишнинг принциплар асосида амалга оширилган ҳолатларидан намуналар**

Делимитация принциплари	
Миллий–ҳудудий	Иқтисодий

Инобатга олиб амалга оширилган ҳолатлар	Инобатга олмай амалга оширилган ҳолатлар	Инобатга олиб амалга оширилган ҳолатлар	Инобатга олмай амалга оширилган ҳолатлар
Худудий жойлашувига кўра Фарғона водийси ва Мирзачўл округлари орасида жойлашган Хўжанд (Ленинобод) аҳолисининг этник таркиби тожиклардан иборатлигини инобатга олиб, 1929 йиллар Тожикистон ССР таркибига қўшилиши	Фарғона водийсидаги аҳолисининг кўпчилик қисми ўзбеклардан иборат бўлган Ўш, Жалолобод, Новқат, Арслонбоб, Ўзган худудларининг Қирғизистон ССР миллий-худудий бирлиги асосида демаркация қилинганлиги	Этник келиб чиқиши тожик миллатига мансуб аҳоли кўпчиликни ташкил этган Бухоро ва Самарқанд шаҳарларининг ўзбек шаҳарлари ва иқтисодиёти билан чамбарчас боғлиқлиги асосида Ўзбекистон ССР таркибида қолдирилганлиги	Минг йиллик давлатчилик тарихи ва, айниқса, сўнгги 4 асрдаги яхлит хўжалик асосида шаклланган Хоразм воҳасини ЎзССР ва Туркменистон ССР ўртасида тақсимланиши оқибатида хўжалик ва ирригация тизими самарадор-лигининг пасайиши

Жадвал муаллифлар томонидан шакллантирилган

Чунки, ушбу жараёнда иложи борича чегараланишни тезроқ якунлаб, Марказий Осиё худудига социализмга асосланган бошқарувни олиб кириш кўзда тутилганди. Ана шу жиҳатдан, мукамал тарзда амалга оширилмаган миллий– худудий чегараланиш жараёни натижасида, кейинчалик, иқтисодий, ижтимоий, геосиёсий ва геоиқтисодий муаммолар ҳам вужудга келган.

Жумладан, Марказий Осиёда миллий–худудий чегараланиш ва унинг оқибатлари натижасида вужудга келган нохуш, номақбул вазиятлар ер–сув, яйлов, рекреация ҳамда табиий ресурслардан фойдаланиш, анклав/экслав худудлар муаммосида ўзини ҳанузга қадар яққол намоён этиб келмоқда.

#### Ер-сув ресурсларидан фойдаланиш муаммолари:


- Миллий– худудий чегараланиш натижасида Шарқий Бухоро [12] деб аталган форсийзабон аҳолидан иборат Тожикистон ССР Зарафшон дарёсининг юқори қисмига, туркий тилда сўзлашувчи ўзбеклардан иборат Ўзбекистон ССР дарёнинг ўрта ва қуйи қисмига, мос равишда, алоҳида мамлакатлар тарзида шакллантирилган. Табиийки, дарёларнинг бошланиш қисмларида сувнинг жиловланиши унинг қуйи қисмига оқиб келадиган сувнинг камайишига сабабчи бўлади. Бу эса, текислик минтақасида суғорма деҳқончилик билан шуғулланувчи ўзбеклар учун муаммоли вазиятларни келтириб чиқариши муқаррар эди. Қолаверса, XX аср охирида Панж ва Вахш дарёларида сув омбор, ГЭС, тўғон ва гидроузелларнинг қурилиши оқибатида Амударё суви ҳам тобора озайиб, нафақат, Ўзбекистон, шу билан бирга Афғонистоннинг шимоли, Туркменистонда ҳам сув ресурсларининг камайиши кузатилмоқда.
- XX аср 60- йилларида Мирзачўлнинг жанубий қисмидаги пролювиал текисликнинг юқори қисмида жойлашган Тожикистон ССРнинг Зарафшон туманида 15 минг гектар ер ўзлаштирилиб, суғорила бошланди. Оқибатда, пролювиал текисликнинг қуйи қисмида жойлашган Ўзбекистоннинг 50 минг гектар суғориб деҳқончилик қилинадиган ерларида ер ости сувлари сатҳи кўтарилиб, тупроқларни шўр босиб кетди. Чунки, пролювиал текисликда ер ости сувларининг горизонтал ҳаракати кучли бўлиши туфайли Зафаробод туманида суғориш бошланиши билан тупроққа шимилган сувлар пролювиал текисликнинг этак қисмлари томон ҳаракат қила бошлаган ҳамда ер ости сувлари сатҳи ҳам кўтарилиб, Мирзачўлнинг аввалдан суғориб келинаётган ерларидаги катта худудни шўр босишига олиб келган [21, -Б. 47];
- Фарғона водийсини Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида тақсимлашда аниқ чегаралар кўзга ташланмайди. Зеро, чегараланиш ё этник (Ўш ва Жалолобод вилоятлари аҳолисининг катта қисми ўзбеклар бўлса-да, Қирғизистонга берилган; туб аҳолиси этник тожик миллатига мансуб бўлган Сўх Ўзбекистон худуди сифатида ажратилган ва ҳоказо), ё табиий-географик (тоғларнинг сувайирғичи, дарё ҳавзалари, рельеф элементлари ва бошқалар) омилларга тўлиқроқ таяниб амалга оширилмаганди. Натижада, дарёларнинг бошланиш қисми Қирғизистон, қуйи қисми бўлса Ўзбекистонга тўғри келиб, сувдан

фойдаланишда мураккабликлар вужудга келган. Мисол тариқасида, Норин дарёси, шунингдек, Олой – Туркистон ва Чотқол тоғларидан бошланадиган дарёлардаги сувдан фойдаланиш жараёнидаги мавжуд муаммоларни келтириш мумкин;

- Туркменистоннинг Дашоғуз ва Ўзбекистоннинг Хоразм вилоятлари чегараланишгача яхлит тузилма бўлган эди. Эндиликда, Дашоғуз хўжалиги ва ирригация тизими Ўзбекистондан йўналтирилган коллектор ҳамда канал сувларига таяниб қолган [38] ва ҳоказо;
- Сув билан боғлиқ мунозаралар, айниқса, анклав/экслав худудларда катта муаммоли вазият ҳисобланади. Жумладан, Сўх, Ворух ва Шохимардон сингари йирик анклавларда бу масала янада долзарб тусга эга. Хусусан, Сўх анклави ҳамда Қирғизистоннинг Қадамжой худуди чегарасида жойлашган Чашма булоғи чегара олди қишлоқ аҳоли томонидан доимий баҳс-мунозарага сабаб бўлиб келган. Жумладан, 2020 йил май ойининг охирида мазкур булоқ сувидан фойдаланиш юзасидан ўзаро тортишув юзага келди ҳамда каттагина можароларни ҳам келтириб чиқарди [34]. Икки мамлакат расмий вакиллари томонидан ушбу можаро келишув асосида ҳал этилган бўлса-да, муаммонинг тағ замирида чегараланиш билан боғлиқ номувофиқликлар намоён бўлади.

### Яйловлардан фойдаланиш муаммолари:

- Яйловлардан чегара олди худудларида биргаликда фойдаланиш Собик Иттифоқ даврида деярли муаммо бўлмаган эди. Чунончи, ижара ва вақтинча фойдаланиш учун олинган ерлар, айрим бир ҳолларда, мамлакатга қўшиб олинган ва улар орқали аста-секин тортишувлар ҳам вужудга келган. Масалан, Наманган вилояти Поп туманининг шимоли-ғарбидаги Сарваксой ҳавзаси 1935 йилда Тожикистон томонидан ижарага олинган [26]. Лекин, ижара муддати 1990 йилда тугаши кераклигига қарамасдан, ҳозиргача мазкур худуд Тожикистоннинг Ўзбекистондаги экслави сифатида мавжуд бўлиб турибди;
- 1955 йилгача Сўх Ўзбекистонга бевосита туташ худуд бўлган [35] (6-расм). 1950 – 1960 йилларда эса чорвадор қирғизлар Сўх – Риштон орасидаги яйловдан вақтинча фойдаланиш ниятида ижарага олган, бироқ ораликдаги ўша ерлар, кейинчалик, расмий тарзда қайтариб берилмаган. Бунинг натижасида эса, Сўх ва Чўнғара анклав худудга айланиб қолган;
- Шундай ҳолат Ворух – Чорку оралиғида ҳам кузатилган. Бунинг оқибатида, 1980 йиллардаёқ зироатчилик мақсадида ер етишмаслиги муаммоси этник тожиклар ва этник қирғизлар ўртасида тўқнашувлар (1982 ва 1989 йиллардаги Тожикистоннинг Ворух экслави ва Қирғизистоннинг Баткен



6-расм. 1955 йилда тузилган харита  
Манба: <https://www.fergananews.com/articles/7600> [31]

вилояти Танги қишлоғи аҳолиси ўртасидаги можаролар [15, -Б. 50], 2019 йил июнь ва 2020 йилнинг январидан тожик – қирғиз қуролли тўқнашувлари кабилар [30]ни келтириб чиқарган ва ҳоказо.

### Рекреация ва табиий ресурслардан фойдаланиш муаммоси:

- Жанубий Қозоғистоннинг Мактаарал тумани худуди “U” ҳарфи шаклида Ўзбекистон билан ўралган. Шимолдан Чордара сув омбори орқали асосий давлатдан тўсилиб, ажралиб туради. Шу боисдан ҳам, худуд аҳолиси табиий ресурслар, айниқса, сув ресурсларидан ўзини ўраб турувчи давлат билан ҳамкорликда фойдаланишига тўғри келади;

- Фарғона водийсида “Бенилюкс” ҳамда “Европа Иттифоқи” сингари чегараларни (хавфсизлик тизимини такомиллаштирган ҳолда) ажратиш эмас, боғлаш функциясида фойдаланиш даркор. Гарчи котловинада занжирдек тизилган рекреацион ва туристик марказлар (Говасой, Саричелак, Косонсой, Нанай, Балиқли кўл, Сафедбулок), больнеологик масканлар (Чортоқ, Чимён, Чотқол, Жалолобод, Шоҳимардон, Сольпром, Чодак) мавжуд бўлса ҳам улардан давлатлараро нуқтаи назардан фойдаланиш унча яхши йўлга қўйилмаган. Чунки, ушбу туристик марказлардан самарали фойдаланиш жараёнидаги мавжуд қийинчиликларда “лимологик ихота”лар катта аҳамият касб этмоқда.

### Транспорт транзитлиги муаммоси:

- Андижон, Наманган ва Фарғонани ўз ичига олган пенеанклав кўринишдаги Фарғона районини асосий давлат билан боғлаш учун 1958 йилда Тошкент – Ангрен – Кўкон автомобил йўли ўтказилгунга қадар тўлиқ алоқалар Хўжанд орқали амалга ошириб келинган. Темир йўл ва нефт-газ қувурлари ҳам бундан мустасно эмас. Собиқ Иттифок даврида ҳаракатланиш оддийгина тарзда амалга ошган бўлса, мустақиллик эълон қилинганидан сўнг транспорт хавфсизлиги ҳамда транзитлик босими вужудга келди. Мана шу жиҳатдан, Тожикистондан (Фарғона – Тошкент), Қирғизистондан (Андижон – Учқўрғон) ва Туркменистондан (Қарши – Термиз, Чоржўй – Қўнғирот) ўтадиган йўللарни мамлакатнинг ички қисмидан ўтказиш масаласи ўртага қўйилди ва аста-секин улар бартараф этилди. Қолаверса, халқаро майдонга чиқиш учун Қирғизистон Қозоғистон ҳудудидан, Тожикистон Ўзбекистон ҳудудидан транзит йўлак сифатида фойдаланишга мажбур ҳисобланади;
- Анклавларга кириб-чиқиш муаммоси доим долзарб масала бўлиб келган. Мустақиллик йилларида мавжуд 8 та (ҳозир 7 та) анклав/экславнинг барчасида транспорт транзитлиги долзарб бўлиб қолаверган. Хусусан, Сўх ва Ворух анклавларида қирғиз – ўзбек, тожик – қирғиз муносабатларида ҳам зиддиятлар вужудга келган. Хусусан, Сўх ва Риштонни боғловчи автомобил йўлида ҳаракатланиш 1991 йилдан кейин ниҳоятда муаммоли ҳолатга келиб қолган. Қўшничилик муносабатларининг йўлга қўйилиши ва, бу орқали, 2019 йилнинг 30 августидан йўлнинг тантанали очилиши расман амалга оширилган бўлса-да, мазкур автомобил йўли бир неча кун ўтиб яна беркитиб қўйилди. Ушбу муаммоли ҳолатга Ўзбекистоннинг Қирғизистон аъзо бўлган Евросиё Иқтисодий Иттифоқининг аъзоси эмаслиги, божхона меъёрларининг бир-бирига унча тўғри келмаслиги ҳам сабаб қилиб кўрсатилган эди [40]. Бунинг натижасида, экслав билан боғланиш жараёнида янгидан-янги муаммолар вужудга келмоқда.
- Тожикистон Республикасининг экслави бўлган Ворух миллий-ҳудудий чегараланиш ҳамда 1926 йилги демаркация жараёнида ҳам Тожикистон АССРга бевосита туташ бўлган (7-расм). 1950 – 1960 йилларда Ворух – Чорку оралиғидаги яйловлар қирғиз чорвадорлари томонидан фойдаланиш учун ижарага олинди ва, кейинчалик, қайтарилмаслиги натижасида Ворух анклавга айланиб қолган ҳамда асосий давлатга бориб-келишда анча-мунча қийинчиликлар вужудга келган. Натижада, Ворух билан асосий давлат боғланадиган йўл масаласида Тожикистон Қирғизистон Республикаси билан ханузга қадар тортишиб келмоқда. Анклав ҳудудни республиканинг асосий қисми билан боғланиш муаммоси чегараларнинг делимитацияси жараёнида долзарб масала сифатида юзага чиқмоқда [15, -Б. 50].



7-расм. 1926 ва 2018 йилдаги Ворух картаси  
Манба: <http://www.ca-portal.ru/article:45911> [26]

**Анклав/экслав ҳудудлар муаммоси:**

- Марказий Осиёдаги 20- йилларнинг ўрталарида бошланган миллий–ҳудудий жиҳатдан миллатларни бир-биридан ажратиш кейинги йиллардаги айрим бир ҳудудлар чегараларини тагин бир неча марта ҳеч қандай легитим (қонуний) асосларсиз ўзгартирилишига замин яратиб берганди. Жумладан, республикалар чегараларига узлуксиз аниқлик киритиб бориш, айниқса, 30- йилларнинг ўрталарига қадар ҳам давом этиб келди. 1927 – 1928 йилларда Ўзбекистон ССРнинг таркибидаги Исфана, Чапқўл, Боксаисфана вилоятлари (ҳозирги Лайлак туманининг ҳудуди) Қирғизистон ССРга олиб берилса-да, ўзбек миллатига мансуб аҳоли кўпчилиқни ташкил қилган Ўш, Жалолобод шаҳарлари, Новқат, Ўзган ҳудудлари Қирғизистоннинг таркибида қолиб кетаверганди [2, -Б. 10]. Ўзбекистон – Қирғизистон чегараланишининг кейинги даврларида ҳам жуда кўплаб номувофиқликлар келиб чиққан. Хусусан, 1930 – 1955 йиллардаги географик тамойилларни инобатга олмасдан демаркация ишларини олиб бориш натижасида бир давлатнинг ҳудуди иккинчисининг ичида қолиб кетаверган ва, бу орқали, анклав/экслав ҳудудлар муаммоси вужудга келган ҳамда Сўх, Шоҳимардон, Жангаил (Шимолий Шоҳимардон ёки Халмион), Чўнғара (Шимолий Сўх ёки Қалъача), Ворух, Ғарбий Қалъача (Қайрағоч), Сарвак (ёки Сарван), Барак анклавлари Марказий Осиё давлатлар ўртасидаги чегара муаммоларининг асосий марказларидан бирига айланиб қолган эди.
- 1930 йил Қирғизистонга тегишли Шоҳимардон қишлоғи Ўзбекистон ҳудудининг бир қисмига айланиши [26] билан келгусида, албатта, бўлажак анклав/экслав муаммоларининг тамал тоши қўйилди. 1955 йилда энг йирик субмиллий анклав ҳудуд – Сўх вужудга келди [28]. Сўхнинг “контитентал орол”га айланиши унинг шимолидаги Чўнғара (Шимолий Шоҳимардон)ни ҳам асосий давлатдан узилиб, экславга айланиб қолишига сабаб бўлган. Шоҳимардоннинг шимолида тагин бир ўзбек қишлоғи анклав кўринишида Қирғизистон ичида қолиб кетган ва, бунинг оқибатида, яқин йилларга қадар бу экслав – Жангаил бир қанча ижтимоий-иқтисодий муаммолар қуршовида қолиб, иқтисодиёти ривожланишдан деярли узилишга учради. Шунингдек, Тожикистоннинг Ўзбекистонда битта (Сарвак) ҳамда Қирғизистонда иккита (Ворух, Ғарбий Қалъача) экслави мавжуд бўлиб, улар орқали асосий давлат + анклав ҳудуд + ўраб турувчи давлат муносабатлари бир қанча зиддиятларга сабаб бўлган. Анклав/экславлар орасида Қирғизистоннинг Ўзбекистондаги экслави Барак юзасидан иккала мамлакат ўртасида (анклавга ҳаракатланиш, ирригация, савдо-иқтисодий алоқалар бўйича) айрим келишмовчиликлар келиб чиққан. Шу боисдан, 2018 йил Ўзбекистон – Қирғизистон ўртасида шартнома имзоланиб, Барак ўрнига Қирғизистон чегарасида жойлашган тенг майдондаги Бирлашган қишлоғига ўзаро алмашлаш орқали мавжуд анклавга барҳам берилди [23]. Умуман олинганда, анклав/экслав ҳудудлар муаммоси Собиқ Иттифоқ замонида деярли сиёсий-иқтисодий аҳамият касб этмаган бўлса-да, мустақиллик йилларидаги давлатлараро муносабатларда “нозик геосиёсий ҳудуд” вазифасини бажариб, уларни доимо сиёсий хушёрлик билан ҳамиша назорат қилиб туришни тақозо этмоқда.



8-расм. Замонавий Марказий Осиё  
Манба: <http://www.rytubanknotai.lt/en/index.html> [37]

**4.Хулосалар:** Миллий–ҳудудий чегараланиш масаласи анчагина жумбоқли, нозик ва муаммоли бўлиб, жуда кўплаб мутахассислар томонидан илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ

этилган. Гарчи XX асрда амалга оширилган Марказий Осиё мамлакатларини “миллат – давлат”ларга бўлиш натижасида, кейинчалик, географик, геосиёсий, геоиқтисодий ва ижтимоий муаммолар келиб чиққан бўлишига қарамасдан, у ҳозирги замонавий Марказий Осиё субрегиони сиёсий картасининг шаклланишига замин яратган (8-расм). Шу боисдан, эндиликда асосий диққат-эътибор низоли ҳудудлар учун баҳс юритишга, жанжаллар ва тўс-тўполонлар чиқаришга эмас, мунозарали муаммоларни тинч йўл билан ўзаро манфаатли келишувлар орқали бартараф этишга қаратиш зарур.

Жумладан, сўнгги йилларда Марказий Осиё давлатлари минтақада турли-туман ҳудудий муаммоларни дипломатик йўллар билан ҳал қилишга киришдилар. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан ўрта муддатли истиқболда асосий хорижий шериклар билан Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ҳамда ташқи иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди [35].

Давлат чегарасини халқаро ҳуқуқий расмийлаштириш жараёнини тезлаштириш масаласида “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси” дастурида алоҳида эътибор қаратилган. Ўзбекистон Марказий Осиёнинг барча давлатлари билан чегарадош бўлиб, чегараларнинг умумий узунлиги 7103,82 километрни ташкил этади. Хусусан, Ўзбекистон Қозоғистон билан 2356,31 км, Қирғизистон билан 1476,12 км, Тожикистон билан 1296,9 км, Туркменистон билан 1831,49 км ва Афғонистон билан 143 км узунликдаги чегарага эга [29] ҳамда бу ҳолат Марказий Осиёнинг геосиёсий ва иқтисодий ҳаётини тартибга солишда ниҳоятда аҳамиятли бўлиб, кўшни мамлакатларни ўзаро боғлаб турувчи “олтин” халқа вазифасини ўтайди [1].

Ўзбекистон Республикаси кўни-кўшни давлатлар билан чегараларни делимитация ҳамда демаркация қилиш бўйича муттасил тарзда музокаралар ўтказиб келмоқда. Биргина 2016 – 2018 йиллар давомида Ўзбекистон томони бошқа Марказий Осиё давлат ҳукуматларининг делегациялари билан 65 (Қозоғистон билан 18, Қирғизистон билан 28, Тожикистон билан 9, Туркменистон билан 9 ва Афғонистон билан 1 марта) учрашувлар ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғизистон Республикаси (2017 йил 5 – 6 сентябрь) ва Тожикистон Республикасига (2018 йил 9 – 10 март) расмий давлат ташрифи вақтида имзоланган келишувлар мазкур мамлакатлар чегара ҳудудидаги муаммоларнинг ҳал этилишида катта аҳамиятга эга бўлди. Самарқанд шаҳрида 2017 йил 10 – 11 ноябрда БМТ шафелигида бўлиб ўтган Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш бўйича «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусида халқаро конференцияда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркменистон ўртасидаги бир қатор баҳсли нуқталар бўйича келишувларга эришилди [29].

Зеро, Марказий Осиё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши истиқболлари жуда кўп жиҳатдан уларнинг ўзаро иқтисодий интеграциясига боғлиқ. Субрегион давлатлари ўзаро интеграциялашувининг бир қатор муҳим географик омиллари минтақа мамлакатларининг биргаликда фаолият олиб боришини тақозо этади. Жумладан:

- ✓ иқтисодий-географик ўрнининг умумийлиги;
- ✓ темир йўл ва автомобиль транспорт тизимининг яхлитлиги ҳамда ўзаро боғланганлиги;
- ✓ йирик дарёлар ва суғориш каналларининг трансчегаравийлиги;
- ✓ тоғли ва текисликли мамлакатлар табиий ресурслари, айниқса, энергия манбаларининг бир-бирини тўлдирувчи хусусиятга эга эканлиги;
- ✓ субрегион халқларининг қон-қардошлиги, тарихий-маданий жиҳатдан умумийлиги;
- ✓ Оролнинг қуриб бориши, чўллашиш, ерларнинг шўрланиши, тоғ музликларининг интенсив равишда эриши, ҳаво ва сув ҳавзаларининг заҳарли чиқиндилар билан ифлосланиши сингари умумий долзарб экологик муаммоларнинг мавжудлиги;

- ✓ зилзила, сел ва сув тошқинлари, қор кўчкилари ва бошқа табиий офатларга биргаликда қарши курашишнинг зарурати ва ҳоказо [25, -Б. 134].

Демак, яхлит, ягона минтақада жойлашган қўшни давлатларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва умумийлик асосида жаҳон хўжалигида фаол қатнашиши ҳар жиҳатдан самарали тенденциядир. Шу билан биргаликда, миллий ва хўжалик хусусиятлари нуқтаи назаридан бири-бирига беҳад даражада ўхшаш бўлган мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти ўзига хос ривожланиш ва тараққиёт платформасини ҳосил қилишига ҳеч қандай шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас.

### Иқтибослар / Сноски / References:

1. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. (Karimov I. A. Uzbekistan on the threshold of the XXI century: threats to security, conditions of stability and guarantees of development. – Tashkent: Publishing house of Uzbekistan, 1997).
2. Абдуллаев О. Фарғона водийси: ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари / Бош муҳаррир: З. М. Акрамов. – Наманган: “Наманган” нашриёти, 2000. – Б. 292. (Abdullaev O. Fergana Valley: processes of socio-economic development / Editor-in-chief: ZM Akramov. – Namangan: Publishing house "Namangan", 2000. – P. 292).
3. Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи ОТМ учун ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир: З.Исомиддинов. – Тошкент: Университет, 2007. – Р. 340. ISBN: 978-9943-305-07-06. (Askarov A. Ethnogenesis and ethnic history of the Uzbek people Textbook for universities / Editor-in-chief: Z. Isomiddinov. – Tashkent: University Publishing House, 2007. - P. 340. ISBN: 978-9943-305-07-06).
4. Жабборов И.М. Жаҳон халқлари этнографияси [ОТМ учун ўқув қўлланма] / Масъул муҳаррирлар: С.Камолов, Г.Ҳидоятлов. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – Б. 280. (Jaborov I.M. Ethnography of the peoples of the world [Textbook for universities] / Editors-in-chief: S. Kamolov, G. Khidoyatov. – Tashkent: Publishing House "Uchitel", 1984. – P. 280).
5. Крыльцов И. Государственное размежевание Средне-Азиатских Республик // Вестник юстиции Узбекистана, 1925. № 1. (Krylytsov I. State demarcation of the Central Asian Republics // Bulletin of Justice of Uzbekistan, 1925. No. 1).
6. Мухаммедьяров Ш. К истории проведение национально-государственного размежевания Средней Азии в 1924 г. // Советское Востоковедение, 1955. №1. (Mukhammedyarov Sh. On the history of the national-state demarcation of Central Asia in 1924. // Soviet Oriental Studies, 1955. No. 1.)
7. Мўминов И. Ўзбекистон ССР тарихи. 3- жилд. – Тошкент: Фан, 1971. (Muminov I. History of the Uzbek SSR. Volume 3 - Tashkent: Fan, 1971).
8. Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи. – Тошкент, 2002. – Б. 155. (Radjabov K., Khaidarov M. History of Turkestan. – Tashkent, 2002. –P. 155.)
9. Сафаров Г. Колониальная революция. Уроки Туркестана. – Москва: Госиздат, 1921. (Safarov G. Colonial revolution. Lessons from Turkestan. - Moscow: Gosizdat, 1921)
10. Турсунов Ҳ. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг барпо этилиши. – Тошкент: Фан, 1958.
11. Ўзбекистон ССР тарихи 3- том. – Тошкент: Фан” нашриёти, 1971. (11. History of the Uzbek SSR, Volume 3. - Tashkent: Publishing house Nauka, 1971).
12. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида 2-том. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 292. (New history of Uzbekistan. Volume 2 of Uzbekistan during the Soviet colonial period. - Tashkent: Shark, 2000. –P. 292.)
13. Ўрта Осиё коммунистик ташкилотлари тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1969. – Б. 769. (History of communist organizations in Central Asia. – Tashkent: Uzbekistan, 1969. –P. 769.)
14. Bozorov Z. Anklav va eksklav hududlar, ularning mintaqa hayotidagi ahamiyati. Bakalavr darajasini olish uchun yozilgan bituruv malakaviy ishi. –Termiz, 2018. – 58 b.

15. Dzhamalova M. and Rakhmtova Z. The foreigion policy factor of national-territorial demarkation in Central Asia [Journal] // The European Proceeding of Socal and Behavioural Science. – P. 3630-3640. – ISSN: 2357 – 1330 . <https://doi.org/10.15405/epsbs.2019.12.04.488>
16. Jumakhanov Sh., Toshpulatov A. Geopolitical view of the Central Asian region: Uzbekistan's geographical location in the region and its relationship [Journal] // ISJ Theoretical & Applied Science / Chief Editor: Shevtsov Alexandr. – Philadelphia (The USA): Theoretical & Applied Science, November 11, 2019. № 11(79). – P. 515 – 519. – ISSN: 2308 – 4944. <http://t-science.org/арxivDOI/2019/11-79.html>
17. Jo'rayev U., Usmonov Q., Jo'rayeva G., Norqulov N. O'zbekiston tarixi: Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 8-sinfi uchun darslik. –Toshkent: “O'qituvchi” nashriyoti, 2019. – 160 b.
18. Lafasov M., Jo'rayev U., Xoliqov E., Qodirova D. Jahon tarixi: Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 9- sinfi uchun darslik. –Toshkent: “O'qituvchi” nashriyoti, 2019. – 160 b.
19. Pasilov B. National Policy and Indentity under the Soviet Authorities in Uzbekistan in the 1920s and 1930s [Journal] // The Copenhagen Journal of Asian Studies.– Copenhagen, 2010. – 2 : Vol. 28. – P. 12 – 34.
20. Rafiqov A., Vahobov H., Qayumov A., Azimov Sh. Amaliy geografiya: Akademik litsey va kasb-hunar kollejlari uchun o'quv qo'llanma / Mas'ul muharrir: V.Rafiqov.–Toshkent: "Sharq" nashriyoti, 2009. – 160 b. ISBN: 978-9943-00-055-1.
21. Rajabov Q., Zamonov A. O'zbekiston tarixi (1917 – 1991-yillar): O'rta ta'lim muassasalarining 10- sinfi va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalarining o'quvchilari uchun darslik / Mas'ul muharrir: S.Tursunov. –Toshkent: “G'afur G'ulom” nashriyoti, 2017. – 144 b. ISBN: 978-9943-5008-7-7.
22. Toshpulatov A., Kakhkharova U. Uzbek-Kyrgyz relations: overcoming the problem of the Barak enclave / Novateur Publication's JournalNX – A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal [Journal]. – Pune (India), 2020. Issue: 6, Volume: 6. – P. 33 – 37. ISSN: 2581-4230. 03.06.2020. <https://journalnx.com/journal-article/20151037>
23. Shamsutdinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi. 3- jild [OTM uchun o'quv qo'llanma] / Mas'ul muharrir: A.Yaxshiyev. –Toshkent: “Sharq” nashriyoti, 2010. – P. 496. ISBN: 978-9943-00-584-6.
24. Sharipov M., Fedorko V., Safarova N., Rafiqov V. Geografiya: O'rta ta'lim muassasalarining 10-sinfi va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalarining o'quvchilari uchun darslik. –Toshkent: “O'zbekiston milliy ensiklopediyasi” nashriyoti, 2017. – 160 b.

### **Интернет манбалари**

25. Зверинцева Т. Анклавы в Центральной Азии: история и современные проблемы. 22.10.2018. <http://www.ca-portal.ru/article:45911>
26. Национально-территориальное размежевание в СССР. 05.01.2020. [https://ru.wikipedia.org/wiki/Национально-территориальное\\_размежевание\\_в\\_СССР](https://ru.wikipedia.org/wiki/Национально-территориальное_размежевание_в_СССР)
27. Сўх тумани. [http://www.gpedia.com/uz/gpedia/So`x\\_tumani](http://www.gpedia.com/uz/gpedia/So`x_tumani)
28. Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Илҳом Неъматов Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан чегараларини расмийлаштириш 2020 йилда тўлиқ ҳал этилиши haqida Kun.uz muxbiriga bergan интервьюси. <https://kun.uz/news/2019/12/20/ilhom-nematov-ozbekiston-va-tojikiston-chegaralaridagi-minalar-zararsizlantirilishi-qachon-yakunlanishini-aytdi>
29. Тожикистон чегарасида тожик ва қирғиз чегарачилари ўртасида отишма содир бўлди. 2020.05.08. [https://daryo.uz/k/2020/05/08/tojikiston-chegarasida-tojik-va-qirgiz-chegarachilari-ortasida-otishma-sodir-boldi-video?utm\\_source=@daryo\\_kirill](https://daryo.uz/k/2020/05/08/tojikiston-chegarasida-tojik-va-qirgiz-chegarachilari-ortasida-otishma-sodir-boldi-video?utm_source=@daryo_kirill)
30. Узбекистан: «Чтобы попасть в анклав Сох, нужно умереть». 2013.01.24. <https://www.fergananews.com/articles/7600>
31. Ульжаева Ш. XIX асрда Марказий Осиёда инглиз – рус рақобати. 28.02.2014. [http://fikir.uz/blog/NamMTI/xix-asrda-markazij-osieda-ingliz-rus-ra\\_obati.html?fbclid=IwAR0r3awEHTmh4jblGliKKUub9mtgu5LSwc5mR2BPtgXsRq33rt1qebZ](http://fikir.uz/blog/NamMTI/xix-asrda-markazij-osieda-ingliz-rus-ra_obati.html?fbclid=IwAR0r3awEHTmh4jblGliKKUub9mtgu5LSwc5mR2BPtgXsRq33rt1qebZ)  
AxioW

32. Центральная Азия в XIX в. [http://www.hrono.ru/proekty/ostu/asia\\_1900.html](http://www.hrono.ru/proekty/ostu/asia_1900.html)
33. Ўзбекистон—Қирғизистон чегарасида юз берган можаро юзасидан расмий ахборот берилди. 2020.05.31. <https://daryo.uz/k/2020/05/31/uzbekiston-qirgiziston-chegarasida-yuz-bergan-mojaro-yuzasidan-rasmiy-ahborot-berildi-video/>
34. Ўзбекистон ташқи сиёсати ва ташқи иқтисодий ҳамкорлиги. <http://uza.uz/uz/documents/uzbekiston-respublikasi-tashqi-ishlar-vazirligi-tizimini-tu-05-04->
35. Ўрта Осиёдаги миллий-худудий чегараланиш. [https://uz.wikipedia.org/wiki/Orrta\\_Osiyoda\\_milliy-hududiy\\_chegaralanish](https://uz.wikipedia.org/wiki/Orrta_Osiyoda_milliy-hududiy_chegaralanish)
36. All banknotes of Modern Age in Central Asian countries. 2020.07.05. <http://www.rytubanknotai.lt/en/index.html>
37. Dashoguz viloyati. [https://uz.wikipedia.org/wiki/Dashoguz\\_viloyati](https://uz.wikipedia.org/wiki/Dashoguz_viloyati)
38. Kazakhstan – Uzbekistan border. [https://www.Wikiwand.com/en/Kazakhstan – Uzbekistan\\_border](https://www.Wikiwand.com/en/Kazakhstan-Uzbekistan_border)
39. «Rishton – So‘x» yo‘li nega ochiliboq yopildi? Erta suyungan so‘xliklar dardi. 2019.09.06. <https://kun.uz/uz/news/2019/09/06/rishton-sox-yoli-nega-ochiliboq-yopildi-erta-suyungan-soxliklar-dardi>
40. Tajikistan-Uzbekistan border. [https://www.wikiwand.com/en/Tajikistan–Uzbekistan\\_border](https://www.wikiwand.com/en/Tajikistan-Uzbekistan_border)

## **ЎТМИШГА НАЗАР**

**3 ЖИЛД, 8 СОН**

## **ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ**

**ТОМ 3, НОМЕР 8**

## **LOOK TO THE PAST**

**VOLUME 3, ISSUE 8**

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000